



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OILA VA XOTIN-QIZLAR
DAVLAT QO‘MITASI
B U Y R U Q**

“29” апрель 2022 yil.

№ 16

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
тузилмасининг Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими таркибида
Комплаенс назорати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек тизимда коррупцияга қарши курашишда самарадорликни янада ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-146-сон Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмасида Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими таркибида Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис лавозими ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инсон ресурслари ва комплаенс назорати бўлими Комплаенс назорати бўйича бош мутахассиси Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очик танлов асосида ишга қабул қилинсин.

3. Инсон ресурслари ва комплаенс назорати бўлими Комплаенс назорати бўйича бош мутахассиси лавозимидан озод этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилсин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Инсон ресурслари ва комплаенс назорати бўлими таркибидаги Комплаенс назорати бош мутахассиси тўғрисида Низом **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати **2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услугибети **3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом **4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига алоқа каналлар орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни кўриб чиқиш Регламенти **5-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома **6-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома **7-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг коррупцияга қарши тартиб-таомиллар самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услугибети **8-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом **9-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан Хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти **10-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Хизматлар кўрсатиш ва молиявий таъминот бўлими (Ж.Ташпулатов), Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими Комплаенс назорати бош мутахассисининг самарали фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис



З. Махкамова